

ЛЕНИН ОРДЕНИ

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 67 (4314).

4

АПРЕЛЬ

ШАНБА

1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.

Энг олий нишон —
Ленин орденининг
таъсис этилганига
6 апрелда 40 йил
тўлади

ҚЎШ ОРДЕНЛИ РЕСПУБЛИКАМ

1939
ЙИЛ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СО-
ЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКА-
СИНИНГ ТУЗИЛГАНИГА 15
ЙИЛ ТЎЛИШ КУНИНИ НИ-
ШОНЛАШ учун ва республи-

канинг қишлоқ хўжалигини, ай-
ниқса пахтачилигини ривож-
лантириш соҳасидаги гоат кат-
та ютуқлари учун СССР Олий
Совети Президиумининг Фар-
монига мувофиқ 1939 йил 23
декабрда ЎЗБЕКИСТОН СО-
ВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕС-
ПУБЛИКАСИ ЛЕНИН ОРДЕ-
НИ БИЛАН мукофотланган
эди.

1956
ЙИЛ

Колхозчилар, МТС, совхоз
ходимлари, қишлоқ хўжалик
мутахассислари ва олимлар,
партия, совет ҳамда қишлоқ хў-
жалик ходимларининг совет
пахтачилигини ривожлантириш,
пахтанинг юқори ҳосил беради-
ган ва энг яхши сифатли янги
сортларини етиштириш соҳаси-
да қилган катта ва самарали
ишлари учун, уларнинг иррига-

ция иншоотларини қуриш, кол-
хоз ва совхозларда фан ютуқ-
ларини ҳамда илғор тақриб-
ларини жорий қилиш соҳасида-
ги гоат катта меҳнатлари, бу-
нинг натижасида пахтадан мут-
тасил юқори ҳосил олиш учун
шароит яратилганлиги, шунинг-
дек 1956 йилда пахта тайёрлаш
давлат планини муваффақиятли
бажарганлиги учун СССР
Олий Совети Президиумининг
1956 йил 5 декабрдаги Фармо-
нига мувофиқ ЎЗБЕКИСТОН
СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕС-
ПУБЛИКАСИ НКК И Н Ч И
МАРТА ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН
мукофотланган эди.

НИШОНДОР ОБЛАСТЬ

1959
ЙИЛ

Ўзбекистон ССР ТОШКЕНТ
ОБЛАСТИ меҳнаткашлари пах-
та етиштиришни кўпайтиришда
эришган катта муваффақиятла-
ри, пахта етиштиришда про-

грессив усулларни кенг қўлла-
ганликлари, пахтани машиналар
билан йиғиб олганликлари
учун ва 1959 йилда давлатга
457 минг тонна пахта сотиш
планини муваффақиятли ба-
жарганликлари учун 1959 йил
28 ноябрда СССР Олий Совети
Президиумининг Фармонига
мувофиқ ТОШКЕНТ ОБЛАС-
ТИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН
мукофотланган эди.

ЛЕНИНЧА МЕХНАТ ВАХТАСИДА

ИШ ҚИЗҒИНИ

Оқдўғон районидagi «Пар-
тия XXII съезди» колхози дала-
ларини айлансиз колхозчи-
лар ғайрат-шижоатини қуриб
қилинган қувноди. Улар ерлар-
ни сифатли текислаб, чизел-
лаб, бороналаб, селлакари
синодан ўтказиш кўйиниш-
ганди. Шу кунларда чинит
экин бошланг кетди.

Колхозчилар Усмон Мусаку-
лов, Матмуса Бўтаев, Назар
Абдурахмонов, Қўшмирза Пар-
нобоевлар бошлиқ бригада
аъзолари билан ҳақли равишда
фахрланяшди. Улар бошлиқ
бригада пахтакорлари ўтган йил
дар гектар майдондан 23—
26,5 центнердан «оқ олтин»
олиб социалистик мажбуриятла-

рини ҳам ошириб ўривлатиш-
ганди. Янги кунларда дала иш-
ларида бошқаларга ўрнак бўли-
шарди.

Мирзараҳим Мирҳалилов,
Тўйчи Қўчматов, Абдураҳмон
Бекназаров, Абдуловут Арапов,
Қўрбон Норбоев, Абдулаҳат
Шамсуддинов каби колхозчилар
кунлик нормаларини 1,5—2
хиссадан ошириб бажаришган-
ди.

Мирзачўлдаги Ленин номи
совхоз ишчилари бошлаган та-
шаббустга қўшилган колхоз деҳ-
қонлари қўлга йилда қувноқли
натижаларга эришиш учун ку-
рашяптилар.

О. ТЎРАҚУЛОВ.

ҒАЛАБА РАПОРТИ

В. И. Ленин туғилган кун-
нинг 100 йиллигини меҳнат ға-
лабалари билан кўтиб олиш
учун курашаётган «Бўзсув»
совхоз коллективни давлатга
ғўшт топириш ярим йиллик
планини муддатидан олдин ба-
жарди. Ўшнга сотилган қора
моллар юқори сезимликда қа-
бул қилинди.

Молбоқарлар мусобақада ға-
ёл қатнашяптилар. Кундан-
кунга сўт соғишни кўпайтириш
уч «ойлик сўт топириш плани
муддатидан бир неча кун олдин
муваффақиятли адо этилганди.
Хўжаликда чорва моллар бо-
қувини яхшилаш ва кўплаб маҳ-
сулот етиштириш юзасидан қиз-
гин кураш олиб боришмоқда.



КЎКСИМИЗДА ПОРЛАЙДИ, ҚАЛБИМИЗДА ПОРЛАЙДИ

Мухтарам газетхон, келинг
энг олий орден — Ленин орде-
нининг шоли қирқ йиллик та-
рихига биргаликда қисқа саёҳат
қилайлик.

1930 йилнинг 6 апрелида
СССР Марказий Ижроия Коми-
тети Президиуми мамлакатини-
нинг энг олий мукофоти —
Ленин орденини таъсис этди.

Мамлакатимизнинг олий ор-
дени қандай бўлиши керак?
Медальер-рассомлар бу ҳақда
кўп баш қотиришди. Вариант-
лар ҳам, қийинчиликлар ҳам оз
эмас эди. Орденининг уртасида
Ильич расми бўлиши керак, де-
ган фикрга ҳамма қўшилди. У
пайтларда кўпчилик тирик Ле-
нинни яхши эсладди. Шунга
қарамай портрет-медальонни
ясаш анча қийин бўлди. Ниҳоят
унга асос қилиб, машҳур фото-
то устаси Виктор Булла 1921
йили Коминтерннинг III кон-
гресси пайтида олган сурат ва
рассом Исак Бродский чизган
расм олинди. Медальон намуна-
си ва орден расминини Сергей
Дмитриев чизди. Энг сўнгги эс-
киз ҳайкалтарош Шадрга бе-
рилди. У қумушдан биринчи
Ленин орденини ясади. Дастлаб
700 та ана шундай орден чиқа-
рилди.

Ииллар ўтган сари Ленин
ордени тасвири ҳам яхшилангн,
ўзгариб борди. Унинг бадий
ифодаси устидagi ишлар давом
этди.

1932 йили медальер рассом-
лардан Куприянов, Тасжнин ва
бошқалар орденининг янги наму-
насин яратдилар. 1933 йили
Дмитриев бошқа рассомлар иш-
тирокда орденининг сўнгги ва-
риантини ишлаб тугатди. СССР
Марказий Ижроия Комитети
Президиуми 1934 йил октябр-
даги Фармон билан уни тас-
диқлади.

Уруш йиллари эди. СССР
Олий Совети Президиумининг
1943 йил июнь ойидаги Фармо-
нига биноан Ленин орденини
тақим учун беш бурчакли ко-
лодия жорий этилди. Бу колод-
ка қизил лента билан қоплан-
ган бўлиб, унда чеккаларига
зарҳал ҳошия тортилган эди.

Хозирги Ленин ордени энг
олий наф олтинал тайёрлан-
ди. У Москвадаги монетний
двордан тўпла-тўғри Кремлдаги
Съездлар саройига, энг муно-
сиб кишиларга топириш учун
олиб борилади.

Қирқ йил мобайнида Ленин
ордени билан 340 мингдан ор-
тиқ киши мукофотланди. Бу

мукофот билан биринчи мар-
таба 1930 йилнинг 23 майда
«Комсомольская правда» па-
таси тақдирланган. 24 май ку-
ни газетанинг беш йиллик юби-
лей сони чиққан эди.

Бутуниттифоқ оқсоқоли Ми-
хал Иванович Калинин редак-
ция коллективига орденини то-
пириш вақтида бундай деган
эди:

— Ешак ва жанговар жўш-
қиллисини сақлаб қолинг. Ке-
йинги беш йил ичида ҳам қари-
манг, ўзингизни ўзингиз тақид
қилишни унутманг.

Шундан кейин Ленин ордени
600 кишига — беш йиллик
заводдорлари, инженерлар, тех-
никлар, хўжалик ходимларига
топирилди.

Ленинград оптико-механика
заводининг слесари А. Болотов,
Путилов заводи йиғувчиси М.
Давидов, шахтерлардан Н. Из-
отов ва А. Стаханов, тўғичи-
лардан Дуси ва Маруси Вино-
градовалар, машинист П. Кри-
новос, Ленин гвардиясининг
жангчилари Н. К. Крупская,
Е. Д. Стасова, М. И. Ульянова,
А. М. Коллонтай, М. Ф. Андре-
ева ва бошқалар олий мукофот
билан тақдирланган дастлабки
кишилардир.

СССР Марказий Ижроия Ко-
митети Президиуми 1936 йил-
нинг 29 июлда Ленин ордени-
ни Совет Иттифоқи Қаҳрамон-
ларига ҳам топириш ҳақидаги
Низомни тасдиқлади. СССР
Олий Совети Президиумининг
1938 йил 27 декабрдаги қарори
билан бу олий мукофотни Со-
циалистик Меҳнат Қаҳрамонла-
рига ҳам топириладиган бўл-
ди.

Ленин ордени билан тақдир-
ланган кишиларнинг ҳаммасини
санаб, тугатиб бўлмайди. Бу
мукофот космос қаҳрамонлари-
га ҳам, ҳаммаша сергак чегара-
чиларга ҳам, Совет Иттифоқи
Маршалларига ҳам берилган.

Бу орден корхоналар, ташки-
лотлар, область, улка, респуб-
лика ва шаҳарларга ҳам берил-
лади. Россия Федерацияси,
Озарбайжон, Арманистон, Ук-
раина, Ўзбекистон ва Қирг-
изистон республикалари, Москва
ва Ленинград шаҳарлари Ленин
ордени билан икки марта муко-
фотланган.

Буюк Ленин номи билан
атагани энг олий нишонни шу
бахтга муассар бўлган киши-
лар чексиз курур билан тақиб
юршади. Бу орден кишилар-
нинг қалб тўрида.

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШНИНГ ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

2 апрелда Москвадаги Со-
юзлар уйининг Колонна залида
жаҳон тинчлик кенгаши прези-
диумининг Владимир Ильич
Ленин туғилган кунининг 100
йиллигига бағишланган сессияси
очилди.

Сессияда барча қитъалар-
нинг турли мамлакатларидан
келган атоқли сиёсий арбоблар
ва жамоат арбоблари, «Халқ-
лар ўртасида тинчликни муста-
хкамлаш учун» ҳаққаро Ле-
нин мукофоти лауреатлари,
бир қанча халқаро ташкилот-
лар ва совет жамоатчилиги
кенг доираларининг вакиллари
қатнашмоқдалар.

Жаҳон— тинчлик кенгаши
президиумининг аъзоси ёзувчи
А. Е. Корнейчук кириш сўзи
билан сессияни очди. У Л. И.
Брежнев, Н. В. Подгорний ва
А. Н. Косигин ўртоқларининг
сессия қатнашчиларига йўлла-
ган табриномасини ўқиб бе-
рди. Бу табринома узоқ давом
этган гулдурос қарсаклар бил-
дан кўтиб олинди.

Шундан кейин тинчликни
ҳимоя қилиш совет комитети-
нинг раиси ёзувчи Н. С. Тихо-
нов «В. И. Ленин ва совет
халқининг тинчлик учун кура-
ши» деган мавзуда доклад
қилди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРАЛ СОВЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ПИЛЛА ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ВА УНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-
митети ва Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети шунки таъкидлайдиларки, КПСС
Марказий Комитети билан иттифоқ ҳуку-
матининг қишлоқ хўжалик махсулоти етиш-
тиришни кўпайтириш тўғрисидаги домий
ғамхўрлиги тўғрисида республика пиллачи-
лари кейинги йилларда пилла етиштириш-
ни анча кўпайтиришга, унинг сифатини
яхшилашга эришишлар.

Умуман республикада пилла етиштириш
юзасидан беш йилликнинг тўрт йили учун
белгиланган план 112,5 процент бажари-
лди, топириққа қўшимча равишда 8,6 минг
тонна пилла тайёрланди.

Республикада мўл ҳосил етиштирувчи ил-
ғор хўжаликлар ва пиллачилар сафи йил
сайин кенгайиб бормоқда. Фарғона об-
ласт Охунбобоев районидagi «Оқ олтин»
колхоз 1969 йилда 1250 қўти қўрт уруғи-
нинг ҳар қутисидан 81,5 килограммдан,
Самарқанд область Нарпай районидagi
Охунбобоев номи колхоз 99,6 килограмм-
дан пилла оқди. Бу хўжаликларда пилла-
чилик кўсак даражада рентабелли бўлиб

қолди. Республикада бундай хўжаликлар
кўп.

Мўл ҳосил усталари — Хурмат Тешеева
билан Олияхон Султонованинг издошле-
ри — Охунбобоев районидagi Калинин
номи колхоз эвено бошлиғи Мукеррам
Матқаримова, Москва район Киров номи
колхоз эвено бошлиғи Хонойим Кодирова,
Нарпай районидagi Охунбобоев номи
колхоз Ташбиби Қаландарова ва бош-
қа кўпгина миришкорлар ҳар қўти қўрт
уруғидан йил сайин 110-120 килограмм
пилла олиб келмоқдалар.

Республикада қўрт уруғи ишлаб чи-
қаришни яхшилаш соҳасида кейинги йиллар-
да кетта иш қилинди.

Пиллачилигининг озуқа беваси мустаҳкам-
ланди, тут қўчатлари етиштирувчи хўжа-
ликлар кўпайтирилди, қўчат навлари яхши-
ланди.

Шу билан бирга бир қанча областлар,
районлар ва хўжаликларда пилла етишти-
ришни кўпайтириш ва унинг сифатини ях-
шилаш учун мавжуд резервлардан қони-
қарли фойдаланишмоқда.
(Давоми 4-бетда).

- 64697. P — 02393



ТРЕСТИНИНГ МОДИЯ
ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ
КОНТОРАСИГА
4, 5 разрядли элемент
вандчилар

К Е Р А Қ

Мурожаат учун адрес:
кент шаҳар, Навоий кў-
10 уя, телефон № 440473.

Маърузий Комитети нашриётининг

— 64697. Р — 02393